



## **O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI**

**Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.**

2022 йил «17» март

32-6-0-F/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори ижроси юзасидан “Ўздаверлойиҳа” Давлат илмий лойиҳалаш институти “Намвилерлойиҳа” вилоят бўлинмасининг 2022 йил 7 мартдаги 41-01/2-113-сон таклифини инobatга олиб,**

1. “Ўздаверлойиҳа” Давлат илмий лойиҳалаш институти “Намвилерлойиҳа” Наманган вилояти бўлинмасининг вилоят ҳудудидаги барча сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш натижалари асосида ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш тўғрисида 2022 йил 7 мартдаги 41-01/2-113-сон таклифи маъқуллансин.

2. Вилоят ҳудудидаги барча сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш натижалари асосида ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳақида таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ишларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда - Вилоят ишчи гуруҳи) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоятдаги дарёлар, каналлар, сойлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, сув хўжалиги объектлари ҳамда бошқа барча сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини, шунингдек хўжалик ичимлик сув таъминоти, даволаш соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария-

муҳофаза зоналарини белгилаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарорининг 2-бандига асосан ушбу қарорга 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 8-банди бўйича буюртмачилар:

табiiй ер усти сув объектлари бўйича - Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари;

табiiй ер ости сув объектлари бўйича - Геология ва минерал ресурслар органлари;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари таркибида ишлаб чиқилганда - ушбу лойиҳаларнинг ихтисослашган буюртмачи ташкилотлари;

сув хўжалиги объектлари бўйича алоҳида ишлаб чиқилганда - улардан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан молиялаштириш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шунга кўра, барча буюртмачилар тасарруфидаги сув объектларини сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини ҳамда хўжалик-ичимлик сув таъминоти, даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун йиллик иш режаларига киритилиб, “Ўздаверлойиҳа” Давлат илмий лойиҳалаш институти “Намвилерлойиҳа” бўлинмаси билан лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун шартномалар тузиб, ўрнатилган тартибда молиялаштириш ишларини ташкил этсинлар.

4. “Ўздаверлойиҳа” Давлат илмий лойиҳалаш институти “Намвилерлойиҳа” бўлинмаси (Т.Шерматов):

вилоятдаги барча сув объектларини сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини ҳамда хўжалик-ичимлик сув таъминоти, даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва буюртмачилар билан шартномалар тузиш ишларига ҳамда зарурий маълумотлар ва ҳужжатларни тегишли ташкилотлардан олинишига амалий ёрдам берсин ҳамда бажарилган лойиҳа ишларини якуний ҳисоботларини вилоят ҳокимига киритсин.

5. Вилоят Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов)га ажратилган маблағлар доирасида бюджет харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш топширилсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ҳақимов зиммасига юклансин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**

Namangan viloyat hokimining  
2022 yil 17 martdagi  
32-6-0-F/22-son farmoyishiga  
1-ilova

**Вилоят худудидаги барча сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ишларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

1. А.Хақимов - Вилоят ҳокимининг ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари**
2. А.Абдусаломов - Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи
3. И.Комилов - Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
4. Ф.Алматов - “Норин-Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи
5. А.Жалилов - Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи
6. М.Тўрабеков - Вилоят санитария, эпидемиология ва осойишталик маркази бошлиғи
7. З.Баҳритдинов - Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи
8. А.Тиллавоқдиёв - Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
9. С.Мухитдинов - Кадастр агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
10. Н.Инамов - Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи
11. Т.Шерматов - “Намвилерлойиҳа” Наманган вилояти бўлинмаси директори
12. (лавозимига кўра)- туманлар ҳокимлари

**Изоҳ:** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, ўрнига тайинланган раҳбарлар комиссия аъзолари ҳисобланадилар.